



ЭДНИНГ МАШЪАСИ

Муаллим – илк бора кўлингга қалам тутқазган, сенга ўзлигингни, у орқали дунёни англатган мўътабар зот. Шу боис ҳам устоз ҳамиша элда азиз. Айниқса, ҳар йили хукуматимиз томонидан мана шу эъзозли касб ортидан халқимиз хурматига сазовор бўлаётган фидойи ўқитувчиларга 1 октябрь – йўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами муносабати билан давлатимизнинг юксак мукофотлари берилиши уларнинг

хизматлари га билдирилган муносаби баҳо бўлмоқда. Жорий йилда ҳам бир гурух ўқиувчи-мураббийлар Вата-

онгида замонавий дунёқараш асосларини, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш, уларни ватанпар-

нинг фармонига кўра, ана шундай юксак мукофотларга муяссар бўлдилар.

Шу муносабат билан биз байрам шодиёнларининг шукуҳли кунларида “Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчisi” унвонига сазовор бўлган, пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 241-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Ҳабиба Алимовани мукофот билан кутлаб, кисқача сухбатда бўлдик.

(Давоми 2-бетда)

“O‘zbekiston Respublikasi xalq oqituvchisi”

нимизда соглом ва баркамол авлодни вояга етказиш, таълим-тарбия соҳасини ривожлантириш, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалга ошириш, ёш авлод қалби ва

варлик, истиқолол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга салмоқли ҳисса қўшгани ҳамда кўп йиллик самарали меҳнатлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти-

TASHRIF

Ahmad Abdullo ar-Rabe rahbarligidagi Quvayt parlamenti delegatsiyasining mamlakatimizga tashrifi davom etmoqda. O‘zbekiston Oliy Majlis raisining o‘rinbosari Boris Bugrov bilan uchrashdi. Suhbat chog’ida ikki mamlakatning parlamentlararo hamkorligini yanada kengaytirish bilan bog’liq masalalar yuzasidan fikr almashildi.

HAMKORLIK

Mamlakatimizda mehmon bo‘lib turgan Япония yerdan foydalanish, infratuzilma va transport vazirining o‘rinbosari S.Ivamura rahbarligidagi delegatsiya a’zolari 4 oktyarb kuni O‘zbekiston Respublikasi Bosh vazirining o‘rinbosari, Qishloq va suv xo‘jaligi vaziri N.Yusupov bilan uchrashdi. Muzokarada O‘zbekiston bilan Япония o‘rtasidagi hamkorlik barcha sohalarda, jumladan, qishloq xo‘jaligi va transport sohasida ham izchil rivojlanib borayotgani ta’kidlandi. Uchrashuvda bunday hamkorlik aloqalarini yanada kengaytirish bilan bog’liq masalalar yuzasidan fikr almashildi.



QAROR

“Standartlashtirish, metrologiya va mahsulotlar hamda xizmatlarni sertifikatlashtirish tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarori matbuotda e‘lon qilindi.

INSONPARVARLIK YORDAMI

Respublika shoshilinch tibbiy yordam markazining Andijon viloyat bo‘limiga AQSHdan insonparvarlik yordami 23 ta konteynerda tibbiy uskunalar, asboblar, zarur materiallar keltirildi. U mazkur mamlakat davlat departamenti tomonidan ajratilgan 50 mln. dollar miqdoridagi xayriya yordami doirasida olindi va asosan Farg‘ona vodiysi tibbiyot muassasalari uchun mo‘ljallangan. Joriy yilning bahorida Andijonga AQSH davlat departamenti vakili Jon Pol boshchiligidagi delegatsiya tashrif buyurgan edi. Ushbu tashrif paytida erishilgan kelishuvlar endilikda o‘zining amaliy ifodasini topmoqda.

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

БЎШ ВАҚТИНГИЗ
ҚАНДАЙ
ҮТМОҚДА?

2-бет

БОШЛАНГИЧ
СИНФЛАРДА ИЖОДИЙ
ДАРСЛАРНИ
ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ

3-бет

“ФИЗИКА” ДАРСИ
ИМКОНИЯТЛАРИ

3-бет

ТАЛАБАРНИ
БАЖАРАЯПСИЗМИ?

4-бет

“МАЪРИФАТ”ГА
МАКТУБЛАР

6-бет

ТАЛАБАГА САВОЛ
БЕРИНГ

7-бет

УСТОЗ ҲАҚИДА
ҮЙЛАРИМ

12-бет

ТВ ДАСТУРЛАР

14-бет

ЎЗБЕКИСТОНЛИК
СПОРТЧИЛАРНИНГ
ИЛК ОЛТИН МЕДАЛИ

15-бет

“ЁЛКИН”
КРОССВОРДИ

16-бет

ЭЛНИНГ МАШЪАГАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Үқитувчилик масъулияті, аммо шарафли касб. Сизнингча таңлаган касбингизнинг масъулияты қандай-ю, шарафи нимада?

— Үқитувчи, менинг назаримда, гёй машъала. У ўз умраниң үзгалар йүлени ойдін қилишга багишлаган хокисор инсон. Айни бу касбингиз масъулияты ҳам шунда. Чunksи, сен ўз оромингдан, ўз ташвишингдан кечиб, шогирдинг ороми, унинг ташвиши хусусида ўйламоғинг, учраган мағлубиятiniң ўзингизни билib, ітүғидан құвона олсанғына ҳақиқи үқитувчесан. Ана шу масъулиятын гарданинга олишнинг ўзи еса шарап. Зеро, ўз тақдири, келажагини ҳар кимга ҳам топшириб қўймайдилар. Бу — ишоч демак. Бутун бир ҳалқнинг ишончига сазовор бўлиш, унинг бахт сари, келажак сари интилишига озгина бўлсанда, дадла бўлиши бахт.

— Бугун ҳаётингизни багишлаган үқитувчилик касбига меҳр қўйишингизда қандай омиллар етакчи аҳамият касб этган?

— Маълумки, инсон орзулариз яшай олмайди. Болалигим-

да менинг ҳам орзуларим кўп эди. Шулардан бири, мени илк бор мактаб остонасида кутиб олган, хат-саводни ўргатган биринчи үқитувчим Галя опа сингари үқитувчи бўлиш истаги бўлган бўлса, ажаб эмас. Чunksи үқитувчимиз бизга ҳамиша меҳрибон эдилар. Ана шу меҳрининг бир бўлаги эса менинг мурғак қалбимга у кишига ўхшаш истаги бўлиб кўчган эди. Мактабни битиргач, орзуга айланган максад боис, дастлаб 1957—1961 йилларда педагогика билим юртни, 1967 ийли эса Тошкент Давлат университетининг ҳар иккисини аъло даражадаги диплом билан якунладим. Мана, 42 йилдирки, мана шу даргоҳда меҳнат қўлмоқдаман. Албатта, меҳнатларим зое кетмади. Бугун мен үқитган кўплаб шогирдларим ҳузуримга келиб ўзингиз миннатдорчилек түйгуларини баён етишади. Булар орзуйим ушалганидан дарак эмасми?

— Үқитувчи — миллат тарбиячиси. Мана шундай этирофга мұяссар топилиш устоз-мураббийлардан теран билим, мустаҳкам ирова ва сўнмас матонат талаб этади.

Сиз бугун ўз касбдошларингизга, қолаверса, Сиз каби устозларидан бу мўътабар касбга бўлган меҳринг бир бўлганини қалбига жойлаб, келажакка ошиқаётган бўлаҗак муаллимларга қандай тилаклар билдирган бўлардингиз?

— Дарҳақиқат, устознинг миллат тарбиячиси, дея эъзозланиши бежиз эмас. Зеро, үқитувчи бугун ўзи таълим берадиган шогирдининг камолоти илиа келажакка пойдевор кўяди. Бу шундаки баландларвоз сўзлар эмас. Келажак — фарзандларимизни. Уларни камолот чўқиси сари эса биз бошлаб борамиз. Шундай экан, муқаддас даргоҳ — мактаб остонасини ҳатлаган ҳар бир үқитувчи бугун таълим-тарбия берадиган ўкувчининг тақдир, унинг келажаги ўз зиммасида эканлигини бир сония ҳам унутмаслигини истайман.

**Баҳодир ЖОВЛИЕВ,
“Ma'rifat” мухбири**

Суратда: “Ўзбекистон Республикаси ҳалқ үқитувчиси” Ҳабиба Алимованинг дарс жарайёнидан лавҳа акс этган.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ
олган сурат.

Таътилдан сўнг янги ўкув йилини бошлаб берган сентябрь ойи ҳам ўз ниҳоясига етди. Мана шу ўтган ой давомида газетамизда бир қанча салмоқли, ўкувчини ўзига жалб этадиган мақолаю интервьюлар, ранг-баранг саҳифалару янги янги хабарлар ўзлон қилинди. Ана шу ўзлон қилинган материаллар орасидан анъанавий “Ma'rifat” танловининг бу галги голибларини аниқлаш гурӯх аъзолари орасида

“Ma'rifat” tanlovi

бўйича Ўзбекистон Қаҳрамони, Ҳалқ шоири Абдулла Орипов билан уошибирор “Маърифатли инсон узокни кўзлайди” сарлавҳали сұхбат ҳам гурӯх аъзоларининг этиборидан четда қолмади. Шоир Асқар Махкам билан бўлиб ўтган “Китобсиз најот йўқ” сұхбати ҳам яхши ин-

ФОЛИБЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ

катта баҳс-мунозарага сабаб бўлди. Барча гурӯх аъзоларининг хулоса-сига кўра, танловининг сентябрь ойи натижалари қўйидагича якунланди:

Энг яхши саҳифа — “Терроризм — инсоннинг тарбиятни қарши оғат” К. Алиохонов 11 сентябрь. Шуни алоҳида таътилда жоизки, ушбу номинация бўйича газетада кўптина маколалар, жумладан, “Aks-sado” руҳни остида берилган “(но) холис хуласа” сарлавҳали саҳифа ҳам гурӯх аъзолари томонидан этироф этилди.

Энг яхши макола — номинацияси бўйича эса “Nobel mukofoti sohiblari” руҳни остида ўзлон қилинган “Янгиланинг бораётган васият” маколаси (А. Тўраев, 21.09.) танлаб олини.

Газетанинг “Mehmonxona” руҳни берилган “Имкониятни бой берманг” (К. Маткурбонов, 21 сентябрь сони) интервьюси **Энг яхши интервью** номинациясида голиб деб топилди. Яна шу номинация

тервьюлар қаторида этироф этилди.

Энг яхши янгиликка эса, “Дарсли ёзинг, илмий даража олинг” (М. Истроилов, 21.09.) янгилиги голиб деб топилди.

Энг яхши фотосурат, фотоловҳа номинацияси 1 октябрь — “Үқитувчилар ва мураббийлар куни” га багишлаб чиқарилган байрам сонида берилган сурат (Н. Мұхаммаджонов, 28.09.) лойик деб топилди.

Ана шундай қизғин баҳслардан сўнг голиб деб топилган барча голибларни чин дилдан кутлаймиз.

БАРЧА БИРДЕК ТАКДИРЛАНГАН КУН

Қибрай туманининг Геофизика қўргонида жойлашган Чингелди қишлоқ ҳужалик касбхунар колледжида Тошкент вилояти ҳокимияти, вилоят УМКХТ ҳамда ҳалқ таълими бошқармалари томонидан ташкил этилган тантанали кечага асосан академик лицейлар, касбхунар колледжлари ҳамда умумтаълим мактабларида айни кунда нафақада булишига қарамай ёш мутахассис кадрлар билан ёнма-ён меҳнат қилиб келаётган тажрибали үқитувчилар тақлиф қилинди. Тошкент вилояти ҳокими Уммат Мирзакулов йигилгандарни умумхалқ байрами — Үқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан табриклиар экан, бугунги кунда республика раҳбариятингиз, хусусан, мамлакатимиз Президентининг таълим тизимига курсатади алоҳида ғамхурликларини таъкидлаб ўтди. Тадбирда ушбу байрам муносабати билан вилоят миқёсига үтказилган кўрик-танлов натижасида “Энг намунали мактаб” деб топилган Зангигита туманида

ги 42-умумтаълим мактаби жамоаси 500 минг сўм, Ангрен шаҳридаги 14-умумтаълим мактаби 400 минг сўм, Бекобод шаҳридаги 16-умумтаълим мактаби 300 минг сўм миқдорида рағбатлантирилди. Шунингдек, таълим тизимида алоҳида хизматлари, ўкувчилари республика фан олимпиадаларида энг юқори балл түплаб, муддатидан илгари олий ўкув юрти талabalari билан қутлади.

Ўзбекистон телевидениеси сұхандонлари Дибором Умарова, Галина Мельникова ва Абдумумин Утбосаровларнинг байрам дастуруни моҳирона олиб бориши даврага ўзгача шукух багишлаган бўлса, “Ўзбекнаво” эстрада-гастроль концерт бирлашмаси ўшикни ўтказибди. Абдуқодиров, Миробод тумани 147-мактаб ўкувчиси, ноёб иқтидор эгаси Сардор Қодиров ҳамда ўзларининг жозибали ракслари билан кўплаб хорижий давлатларда бетакор Узбекистон санъатини тарапнум этган “Ўзбекистон темир йуллари” акциядорлик компаниясига қарашли “Ассалом, кўш” гурухининг чиқишилари эса йиғилган үқитувчиларга яхши кайфият багишлади.

УМКХТ Маркази раҳбарининг биринчи мувовини Ҳ. Маъсудов ҳам вилоят УМКХТ мұассасаларида фидокорона ишлаб келаётган бир гурӯх үқитувчиларни “Ўрта маҳсус, касбхунар таълими аълочиши” кўкрак нишони ва Марказнинг Фахрий Ёрлиги билан мукофотлайдар. “Қарияларни қадрлаш йили” муносабати билан ўтказилаётган мазкур серфайз кечап ташкилотчиси, Тошкент

УЧ АВЛОД УЧРАШГАНДА...

Абдулла Қодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика институтида Ўзбекистон Қаҳрамони Марат Зокиров иштирокида уч авлод учрашуви ўтказилди. Учрашувда институтнинг профессор-үқитувчилари, талabalар қатнашдilar. Тадбир меҳмони Марат Зокиров ўзи-

нинг меҳнат фаолияти ва ҳаётини ҳақида ўшларга сўзлаб берди. Нотиқ институт талаба-ўшларини яхши ўқишига, мустақил Ватанимизнинг муносаби йигит-қизлари бўлиб вояга етишига истак билдириди. Учрашув йигилгандарда катта таассурот қолдириди.

А. СОДИКОВ

Seminar

хунар коллежларининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосарлари иштирок этилди. Асосий максад — таълим муассасаларида ўқивчиларнинг ижодий қобилиятини ўстиришдағи фаолиятини кенгайтириш, уларнинг турли тўғрава клубларда олиб бораётган ишларини янада фаоллаштириш.

Таклиф этилганлар бу ердаги ҳар бир фан кабинетларини, тўғраклар фан-

сўзлашлари лицей ўкувчиларидан тузилган жамоаларнинг “Заковат” интеллектуал ўйинидаги мароҳатларини юксак баҳоладилар. Шундан сўнг таълим масканинг 3 нафар ўқитувчисидан иборат “Йил үқитувчиси” кўриктанлови ўтказилди. Унда ҳам ўкувчиларнинг турли бадиий чиқишилари на мойиш этилди.

БЎШ ВАҚТИНГИЗ КАНДАЙ ЎТМОҚДА?

лотлар ўтказиб, уларни ўзгулик сари бошлаш анча яхши самара беради.

Шу максадда Тошкент ахборот технологиялар университети қошидаги Мирзо Улуғбек номли академик лицейда УМКХТ маркази, Тошкент шаҳар УМКХТ бошқармаси, Мирзо Улуғбек туман ҳокимиётини ташаббуси билан бир кунлик семинар ўтказилди. Унда Тошкент шаҳидаги аксарият академик лицейлар ҳамда касб-

олиятини мунтазам ўргандилар. Илфор тажрибаларни оммалаштириш бора-сида фикр алмашдилар.

Ҳақиқатан ҳам мазкур академик лицейда олиб бораётган ишлар мақтаса арзигулилар. Мехмонлар физика, кимё, компютер хоналари, улардаги лабораториялар билан танишиб, топқирилек ўйинлари, театр томошаларини кўриб ҳайратда қолдилар. Айниска, ўкувчиларнинг инглиз тилида равон

Фофур ЖАБИЕВ

Дунёдаги ривожланишлар, имконияттар көнгайғани сари инсонларнинг танлаш хуқуқи ҳам чексиз даражада үсепти. Кийим-кечагу майший хизмат турларини қўйиб турайлик, Тиббий ёрдам, шахсий дахл-сизлик каби эҳтиёжларни да танлаб-танлаб, чертиб-чертуб қондирадиган даврда яшаемиз. Гапни бу руҳда бошлаганимдан мақсад, авваллари

шакллар асосидаги сенсор уйинчоқнинг ҳар бир белгисини ўрта гурух тарбияланувчиши Ҳафизулло ҳижжалаб тушунириб берди ва шаклларни йигиб, уйча, одамча, китоб тасвирларини яратди. Худди шунингдек, атроф-муҳитимизнинг табиий деталлари билан “Кичик ўрмонча”га айлантирилган табиат ҳонасида ҳам болалар ҳар бир



биз ҳайратланиш билан эшитган, кўрган, хорижликларнинг ўқиши жараёнидаги танлаш имконияти бизнинг таълим тизимимизга ҳам аста-секинлик билан кириб келаяпти. Олайлик, фарзандингиз яхши ўқишини хоҳласангиз, унга қўшимча дарс олиши учун ўқитувчи(репетитор) ёллайсиз. Ёки бўлмаса, кичконтойингиз яхши шароитларда, ширин сўз ва етук савияли тарбиячилар қўлида тарбиялануб, мактабга тайёр ҳолда боришини истасангиз ҳам, албатта, ён-атрофиниздаги рейтинги энг баланд bogчани танлайсиз. Агарда бундай bogчани сиз учун узоқ бўлиб, гарчанд кўпгина қийинчиликлар ва нокулайликлар туғдирса-да, барчасига рози буласиз. Чунки болангизнинг етуклиги барча заҳматларингиздан кўра устун туради.

Худди шундай Самарқанд вилоятининг Нарпай туманинда 17—“Наргиз” МТМни бир неча чақиридан ота-оналар излаб келишади. Шунинг учун ҳам ҳозирда 75 уринга мўлжалланган bogчада 90 нафар болажон тарбияланяпти. Бунинг сири нимада экан, деб ўйлаётгандирсиз. Айтарли ҳеч қандай сир йўқ. Фақатгина, мазкур МТМ “Мактабгача ёщдаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган давлат талаблари” ва шу талаблар асосида тузилган “Учинчи минг-йилликнинг боласи” болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш таянч дастурини имкон қадар пухта ва мукаммал бажарган ҳолда ишляяпти, холос. Шу уринда мазкур bogчадаги айрим эътиборга молик жиҳатлар ҳақида ба-тафсил тұхталишни жоиз топдик.

Хар бир маҳсус ҳоналар, янын уйин ҳонаси дейсизми, машгулотлар ҳонаси дейсизми, овқатланиш ҳоналарига ҳоз қўлланмалари билан жиҳозланган. Улар фақатгина кўргазма учун қилинмаганлигига ва ҳар бирининг яратилишида болажонларнинг ҳиссаси бўлганлигига амин бўлдим. Хусусан, геометрик

бўлиб, улар bogчанинг эркаторлари саналишади.

Бу ердан секингина чиқиб, қушни ҳонадаги нутқ ва тафаккур ўстириш бўйича утказилаётган очиқ машгулот кузатувчилари қаторига қушиламиш. Уч ёшли Фаррухбекнинг гуруҳдошларидан “байт барак”да ютиб чиққани ҳаммани қойил қолдирди ва у ўзига яраша рағбатлантириш белгиси бўлган катта қизил анор билан тақдирланди. Унинг 28 та турли мавзудаги шеърларни адашмасдан, бир пайтнинг узида навбатманавбат айтиши, албатта, урнак буладиган ҳолат. Тарбиячи Шаҳноза Буронованинг аралаш ҳолда ўтган Ватан мавзусига тегишилар аралаш сўзларидан ҳамма бир-бирига ухшамаган турлича ҳоқоялар тузиши ва уларнинг деярли барчаси тугал мазмунга эга бўлган гаплардан ташкил топган. Олдиндан тайёргарлик

шаяпти. Улар синаш учун берган тугмачаларнинг вазифаси ҳақида саволларимга хушёрлик билан жавоб бердиши. Ҳатто, бу техникани ёқишидан учиршишга булган жараённи уларнинг узлари bogча опа Дилрабо Бозорованинг кўрсатмасига асосан бажаришди. Исл-шарифларини, гурухини, ёшини, bogчанинг номини, тарбиячисининг исм-шарифини ёзиша ҳам қийналишмади. Чунки компьютер тугмачаларининг қаерда жойлашганилиги ва уларнинг вазифаси таниш бўлганлиги сабаб шундай бўлди. Албатта, диққати тарқоқ бундай шўх болажонларнинг, айтганимиздек, қўникума ва малакаларини шакллантириш осон кечмagan.

Ҳозир, қайсики, МТМ мутахассиси билан гаплашсангиз, ўз bogчасида компьютер

чоқлар мажмуаси муносиб баҳоланди.

Богчанинг изланиб, имкон топаётгандигини, иқтисодий муаммоларни ҳам уддалаётгандигини бир қарашда илғаш мумкин. Олайлик, Тошкентдан пул ўтказиш йўли билан олиб келинган сенсор, дидактик ўйинчоқлар, вилоятдаги тадбиркорларга ясатишган ранг-баранг миллий ўйинчоқлар буни исботлайди. Богчанинг камтаргина мудириаси Мехринисо Абдураҳмонова:

— Яшириб нима ҳам қилдим. Энагаларимиз буш пайтларида пишириб беришган қандолат маҳсулотларини сотувчилар бозорда сотишади. Шунинг эвазига ҳозир шанбалик ва якшанбалик гурухлар ташкил қилдик. Бу нарсага аҳолимиз ўртасида эҳтиёж бор. Чунки ҳамма ота-оналар фарзандларининг мактабга тайёр ҳолда чиқишиларни хоҳлашади. Бундан ташқари ер майдонимиздан олган даромадимизга 6 та палос, гурухларимизга пардалар, укув қуроллари, таъмирлаш воситалари олдик. Ишқилиб, ҳараткада баракат деб меҳнат қилаяпмиз.

Ҳақиқатан ҳам олдинга сильжи бўлган жойга кўпчилик назар солади. Бўлаётгандигини ўзгаришларни кўриб, “Софлом авлод” жамғарасининг туман бўлими bogчага

ТАГАБУАРНИ БАЖАРАЯПСИЗМИ?

композициядан эркин ҳолда фойдаланиб, фикрлашадилар. Масалан, bogчани опа ҳар хил барглардан ташкил бўлган гербариини кўрсатганида, қайси бири қайси дарахтнинг барги эканлигини ва уларнинг меваси қандай булишини кичконтойилар бурро-бурро айтиб беришди. Айниқса, “олма дарахти сув ичмаса, меваси кичик булади, барглари ям-яшил бўлмайди. Яхши парвариши қилинмаса, олмаси сувсиз бўлиб, қурт тушиб кетади”, деб жажжигина Шаҳнозанинг таҳлил қилиши бу ердаги болажонларда тасаввур этиш қўниқмалари ҳам етарилача шакллантирилаётгандигидан далолат беради. Ва айтиш керакки, бу гуруҳдаги деярли юз фоиз тарбияланувчидан воеа, ҳодисага мустақил ғавишда муносабат билдира олиши кузатиш мумкин. Тўгри, анча олдинлаб кетган болалар ҳам бор. Улар узурнида рағбатлантирилади. Лекин, умуман, “мум тишилаб”, жовдираганича ҳеч нарсани тушунмай ўтирганларни кузатмадик. Жами 12 нафар болалар деярли бирдек тарбиячи Тўлғоной Ражабованинг ҳар бир имо-ишорасини тезлик билан англаган ҳолда бажара олади. Шу уринда бошқа бир ҳолатни ҳам келтириб ўтмоқчимиз. Жуда кўплаб bogчаларда бўлганимизда, асосий илгорлар ва тадбир ташкилотчилари зукко ва тиришқоқ қизалоқлар бўлишган. Лекин бу масканда, асосий ишлар “йигитчалар”га юқлатилган. Нега десангиз, 90 нафар тарбияланувчидан 20 нафаргинаси қизалоқлар

курилиб, ёдланмаган ва айни дақиқаларда кечётган жараённинг гувоҳи бўлаётган отоналар ҳам буни куриб, мен каби хурсандчилигини яшира олишмади. Ёзув таҳтасига нотаниш бўлган сўзлар томонидан айтилганда ҳам болажонларни “чув” тушира олмадик. Биз хоҳлагандек, бехато сўзларни ёзиз, ўқиб беришганда, мактабга тайёрлов ишларининг бир кўриниши кўнгилдагидек, деган фикрга келдик.

Дарвоқе, машгулот қатнашчилари бўлган ота-оналар сухбат жараённида ҳар ҳафтада боғчада “Очиқ эшиклар куни” ўтказилишини ва ўзларининг бемалол бу ердаги таълим-тарбия жараённи билан танишаётгандиларни ҳам билдиришди. Она-Ватан, Конституциямиз, давлатимиз рамзлари, мадхиямиз, алломаларимиз борасидаги бадиий композицияни мусиқий дастур орқали намойиш этиш билан яқунланган бу машгулотдан сўнг bogчанинг ичкари томонидаги ҳовлисига ўтдик. Ундағи спорт майдончасида эса болаларнинг жисмоний ривожланганлик даражасини белгилайдиган давлат талабларини амалга ошириш учун керакли спорт мосламалари ва белгилари урнатилган экан. “Юлдузча” урта гурухининг болалари бирдек оппоқ кийимларда “Учди, чопди, сакради” ўйинини зўр қизиши билан ўйнашти.

Шундан сўнг болажонлар ҳар доим ошиқдиган компютер хонасига кирдик. Бу ердаги 11 та компютерни болажонлар бемалол бешкари

булишини хоҳлади. Шубҳасиз, бу замон тақозоси. Пойтахт bogчаларида кўплаб кузатиш мумкин булган бундай ҳолат, афсуски, вилоятларимиздаги МТМларда кўпчиликни ташкил қилмайди. Бироқ ушбу 17-МТМ жамоаси орзулад билан яшайвермади. Бунинг учун меҳнат қилишиди, ҳаракат қилишиди. Шу сабаб ҳам “Учинчи минг-йилликнинг боласи” давлат дастурини амалга ошириш бўйича ташкил этилган тажриба-синов майдончаларидан бири ушбу bogчада бўлди. Худди шу йили мазкур bogчада тарбиячиси “Йил тарбиячиси — 1998” республика кўрик-тандов фестивалида биринчи ўринни эгаллаб, ғолиблик эвазига 11 дона компьютерни кўлга киритганди.

Умуман, ушбу МТМ туман, вилоят миқёсида фаол жамоа ҳисобланади. Яқиндагина Нарпай туманида бўлиб ўтган “Севимли ўйинчоқлар” кўрик-тандовида ҳам От йилига бағишлаб отчаларни қатнаштириб ясашган ўйин-

Хуллас, бу жамоадаги тўғри ўйлаётгандиги иш шароити мактаблардаги таълим жараённинг ҳам самарали булишини таъминлаётганди. Яъни таълим занжирининг бошлангич асоси мустаҳкам булишига замин яратилган. Уз навбатида, унинг ягона сири, мактабгача таълим ёшидаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган давлат талабларини лоқайд бўлмасдан бажаришга боғлиқ.

Насиба ЭРХОНОВА,
“Ma'rifat” мухбари



Бутун вужудингиз билан берилиб фильм томоша қиласиз, қаҳрамон билан бирга йиглаб, бирга куласиз. Роль маромига етказиб ижро этилган бўлса, у йиллар давомида хотирангиздан ўчмайди. Актёр ҳам тилга тушади, машхурликка эришади. Кейин, кейин баъзилари ҳаволаниб, юлдузлик касалига чалиниб, истеъоди ва маҳоратига ҳам қарамай ҳалқ назаридан қолиб кетса, баъзилари камтар, камсукумлиги билан обрў-эътибор қозонаверади. Эл олқиши ва хурматига сазовор бўлади.

Ражаб Адашев бугун ҳалқимиз танинган, севган, қадрлаган актёрлардан бири. У дастлаб “Ой бориб, омон қайт” фильмида Кудрат тимсолини жонлантириб, уруш ва унинг даҳшатларини ундан узоқда бўлиб ҳам кўрган, кечирган кишилар қалбидан ўрин олди. Сўнгра бир муддат унтуилган актёр моҳир ва сезигр режиссёр туфайли яна бадиий фильмлар орқали ҳалққа кўрина бошлади. Комедия жанрида суратга олинган “Абдуллаҳон” фильмида содда ва гўл, шу билан бирга олийжаноб қалб эгаси бўлган Бозорбой образидан сўнг ҳалқимиз уни яна бир бор кашф этди. “Кичкина табиб” фильми муваффақиятининг сирларидан бири эса шубҳасиз, ҳамма нарсани кўриб, билиб, сезиб юрадиган, аммо бир марта тилга келмайдиган Машраб бобо сиймосида Ражаб Адашевнинг қатнашиши, десак муболага бўлмайди. Шунингдек, меҳмонимиз “Алномиш” бадиий фильмида Култой образини яратиб имкониятларини яна бир бор ҳалққа кўрсата олди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ражаб Адашев дастлаб сўз бошлаб: “илтимос, менга қачон ва қандай санъатга кириб келгансиз, биринчи ўйнаган ролингиз, севган образингиз каби саволларни бермасангиз. Томошабинлар, муҳлисларим менинг очилмаган қирраларими ҳам билишсин. Масалан, биринчи саволингизни “бўш вақтингизда нима қиласиз?” деб беринг. Образлар, ижроларим, кинодаги ҳаётим билан ҳамма яхши таниш” дедилар. Мен ҳам худди шу саволни у кишига бериб, сухбатни бошладим.

— Ражаб ака, сизда бўш вақт бўладими?

— Албатта. Ҳар бир инсон меҳнат қиласи, ишлайди, чарчайди. Ишдан бўш вақтларida дам олади. Ўзи қизиккан нима биландир машғул бўлади. Кўпгина элнинг назаридағи кишилар “менда бўш вақт йўқ, дам олишга имкон топа олмайман, агар бўш вақтим бўлса...” деб нолишиади. Уларнинг гапларига ишонмайман. Ҳамма бўш вақт топа олади, агар истаса.

Мен ишдан сўнг телевизор томоша қилишини яхши кўраман, айниқса, спортнинг бокс тури бўйича ўтказилган турли мусобакалар тўғрисидаги кўрсатувларни мароқ билан томоша киламан Шеърлар ёзман, уйюмшларини бажараман. Бадиий китоблар ўқийман.

— Сизга қайси режиссёrlар билан ишлаш осонроқ. Баъзилар фильмни ярататган режиссёр қандай рол берса ўйнайверади. Сизчи, образ танлайсизми?

— Режиссёр менинг куч-кудратимга тўла ишонса, менга ҳар қандай ролни бера олади, агар у ўз истеъодига ишонса, мендан ҳар қандай қиёфани чиқара олади. Қарс икки кўлдан чиқади, дейишади-ку. Янги иш бошланган режиссёrlар нималарга қодирлигини билганини учун актёрнинг ўзига ташлаш кўяди. Бу билан у, биринчидан, ўзидағи режиссёrlик маҳоратини бойитади, иккинчидан, актёрдаги бор қобилиятни ишга солади. Бошқа режиссёrlар эса ижроҷидан унумли фойдаланади. Шундай вазифа беради, актёр кийналиб бўлса ҳам шуни яратади. Бу актёр учун бир мактаб ва янгилек бўлади.

— Ана шундай режиссёrlардан қай бирларини тилга олган бўлардингиз?

— Шуҳрат Аббосов, Зулфиқор Мусоқов, Хабибулла Файзиев. Айниқса, Хабибулла Файзиев хақида алоҳида гапиришим керак. У киши биринчи яратган йирик образим “Ой бориб, омон қайт” фильмида Кудрат Суюновни ижро этишимда катта жонбозлик кўрсатган. Мен бу кишидан миннатдорман. У киши менинг очилмаган қирраларимни оча олади.

— Бу саволим балки ижодингиз билан чукур таниш эмаслигимни билдириб кўяр.

Шунинг узун ота-оналаф “боламия яни қийим олиб бердим, филими велосипед совиа қилдим” деб мақтамасдан, “фарзандимни фалончи устага шогирдликка бердим, қизим фалон тикувнидан ҳунар ўғланяпти” деб кўфак керив юришларини истардим.

Меҳмонхона



шиб қолди. Ўша газетанинг бош мақоласи ўзбек киносининг муаммолари ва ютуқлари ҳакида экан. Мақолада ўзбек киночилири болалар учун фильмлар ишлаб чиқармаяпти, соф ўзбекона руҳда яратилган болалар фильмни йўқ дейилган экан. Шу кунларимизда ҳам юқорида қайд этилган муаммо мавжуд. Биринкита фильмларни истисно қилганда болалар учун жуда кам фильмлар яратилмоқда.

Яна шуни алоҳида айтib ўтиш жоизи, Ўзбекистонда 15 та киностудия бор экан. Бундай студияларнинг кўплиги яхши. Чунки томошабин ўзини қизиқтирган, ўзини қўйнаб турган муаммоларни ҳам, ҳаётий манзараларни ҳам кўриш имконига эга

билдираман. Вафот этганларини худо раҳмат қилсин. Адабиёт фанидан дарс берадиган Махкам Маъруфов деган домламиз бўлардилар (худо раҳмат қилсин). Ана ўша домлдан жуда кўп нарсаларни ўрганганман. Мактабни битирганимдан кейин ҳам у киши билан хат ёзишиб, дийдорлашиб турганмиз. Сизга бир воқеани айтаб берай. У кишининг фамилияси Маъруфов эди. Бир хатимда Маъруфов деб ёздим-да, тўғри ёздимми ёки йўқ деган мақсадда сўрқ аломатини кўйиб жўнатганман. Шуни эслаб қолган эканлар, навбатдаги учрашувимизда “сен хатингда ҳам мендан тўғри ёздимми ёки нотуримни деб сўрайсан-а” деган эдилар. Кейин рус тили ва адабиётни фанидан сабок бергувчи Ирина Умирова исмли муаллимам ҳам менга кўпгина яхши нарсаларни ўргатган. Санъаталифбосини ўрганишимда ўша киши катта ёрдам берган. Мактаб саҳнасида кўйиладиган барча томошаларга у киши режиссёрлик қилар эдилар. Санъаткор бўлишимда ана шу инсоннинг менга билдирган ишончи ҳам муҳим ўрин тутган.

— Дўстликка муносабатнинг билмокчидим.

— Дўстлик мураккаб нарса. У ҳаётга муҳаббатдай гап, назаримда. Дўстига боғланниб қолган бир инсон учун майдо-чўйда арзимаган нарсалар катта йўқотишга сабаб бўлса, бундай дўстликнинг охири яхши бўлмайди.

— Кинодан ташқари санъатнинг яна қайси турларига қизиқасиз?

Лекин, назаримда, сиз ўз иқтидорингизни анча кеч намоён этяпсиз. Шу нарса кўнглигизга ҳижиллик сошлариди?

— Ҳар қандай актёрда бирин-

чи бор образ яратганида, мен бундан ҳам яхшироқ ўйнашим мумкин эди ёки бошқа бир актёрнинг ижросини кўриб мен бундан ҳам яхшироқ жонлантира олардим бу образни, деган ўй бўлади. Кейин режиссёр биладики, танлаган актёрида ўзи қидирган характерлар, феъл-атвор бор. Кейинги фильмларда эса режиссёр ҳам актёрнинг олдинги ижроларига қараб унга рол тақдим этади. Ҳар қандай профессионал актёри видео камера олдида ҳаяжон босади. Унинг ҳаёлида доимо мен зинапоядан юқорига кўтарилипман. Мана шу зинапинг охирига етаманинни ёки йўқ. Ярим йўлда тўхтаб қолмайманни, деган саволлар бўлади. Камеранинг олдида ўзи зинапинг қайси поғонасидалигини билмайди. Бу қандоқ ўйнаркин, қаерда хато киларкин, деб унга кўз тикканлар кўп. “Бир қараш, бир нигоҳ, ярим сўз — бир сўзга адашиб кетса”, — деб кутиб ўтиришиади. Ваҳоланки, актёр учун тутилиш, қоқилиш оддий нарса. Бизда дубл деган гап бор. Бир дубл, икки дубл, уч дубл. Чет эллис киноижодкорлар хаттоқи ўн-ўн беш дублдан фойдаланишиади. Актёр энг қисқа вақтда дейлик битта дублнинг ўзидаётк бор маҳоратини, санъатини ишга солиши керак. Хато қилмасликка ҳаракат қилиш лозим.

— Бугунги ўзбек бадиий фильмлари ҳакида нима дея оласиз. Уларнинг ютуқ ва камчиликлари нималардан иборат деб ўйлайсиз?

— Куни кеча қўлимга 76-80-йилларда нашр этилган “Ўзбекистон маданияти” газетаси ту-

бўлади. Ўзбек киносининг хатолари ҳам, ютуқлари ҳам бор. Ҳусусий киностудиялар ишлаб чиқараётган фильмларнинг савијасини паст деб бўлмайди, уларнинг савијаси ўртacha. Биринчи марта фильм ярататдан режиссёrlар ўша фильмнинг муваффақиятилчиши учун профессионал тасвирилар, сценарий муаллифлари, актёрларга таяниши мумкин. Кинонин кимдир кўллаб-кувватлаши керак. Юксак савијада суратга олинган фильмларни ҳалқ кутмоқда.

— Ражаб ака, газетамизнинг асосий муштариylари муаллимлар, таълим фидоийлари. Биринчи муаллимингиз, шу даражага етишишиниз учун хэмзат қилган инсонлар ҳакида нималар дея оласиз?

— Мен Самарқанд вилоятининг Ургут туманиндағи 1-мактабда таълим олганман. Биринчи сингла борганимда жуда ҳам кичкина эдим ва синфонага кирганимда ўйга кетаман деб йиглаганим эсимда. Мен ўн бир йил ўқиган бўлсан жуда кўп ўқитувчилар дарс берган. Айниқса, инглиз ва немис тили фанларидан ҳар иили янги ўқитувчилар келишади. Бир йил инглиз тили бўлса, иккичини иили немис тилини ўрганардик. Шунинг учун наинглишини, на немис тилини мукаммал билмайман. Эндиэнди инглиз тилини ўрганяпман. Барига ўқитувчимни яхши эслай олмайман. Болалигимда ҳарф ўргатиб, менинг шу даражага етишишига ўз хиссаларини кўшган устозларимнинг ҳар бирига миннатдорчилигимни

— Санъатнинг барча турларига қизиқаман. Театрга боғланниб қолганман. Бирор хонанда ўнта кўшик яратган бўлса, шулардан икки ёки учтаси машхур бўлиб кетади. Кўшиқчиларни ҳам у яхши кўшик айтмаяпти, чет эл хонандаларига тақлид қиляпти деб айбламаслик керак. Уларнинг ҳам ўз олдига кўйган мақсад-муддаоси бор. Пантомимо санъати мени доимо ўзига тортади. Массел Мансо исмли француз Пантомимочиси бор. Ўша Тошкентга келиб томоша қўрсатганида, ҳар бир чиқишини мароқ билан томоша қилганман. Кейинчалик ўша томошаларни ҳаёлимда қайта гавдалантириб, ижодий кечаларда томошабинлар эътиборига ҳавола этганман. Тасвирий санъатнинг графика йўналишида суратлар чизиб турман.

— Спортивнинг қайси тури билан шуғулланасиз ёки шуғуллангансиз?

— Баскетбол ўйнаганман. Бир воқеа сабаб бўлиб баскетбол ўйнамай кўйдим. Югуриб кетаётib, сакрэтган коптоқни босиб олиб йикилиб тушгандан ва жароҳат олганман. Шу-шу коптоқка яқинлашмайман.

— Агар мабодо ошпазлик санъатини кўрсатиш лозим бўлса, сиздан яхши ошпаз чиқармиди?

— Авваллари картошка қовуришга ҳам ўқувим бўлмаган. Лекин ҳозир ҳар қандай таомни масаллик етарли бўлса, мазали, чиройли қилиб тайёрлай оламан. Фақат ҳамир қилолмайман, ҳолос.

— Фарзандларингизнинг

қай бири сизнинг йўлингизни ташлади?

— Хеч бири актёр бўлмади. Тўрт нафар фарзандим бор. Катта қизим ўқитувчи. Коллежда дарс беради. Ўглим радиотехника соҳасида ишлади. Кичик қизим ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси. Уларга болалигиданок “агар санъаткор бўлишини ният қилсангиз, олдин бир касбни, бир ҳунарни ўрганасизлар” деб шарт кўйганман. Шунинг учун фарзандларим истаганимдек ҳам ҳунарли, ҳам етарлича маълумотли бўлишиди. Кичкина ўглимиз шўҳроқ чиқди. У ҳозирча бирорта касбнинг бошини тутганича йўқ.

Ўзбекистонда олти нафта касб билан шуғулланамиз. Бу фильмлардаги овозларни тиклаш. “Ўзбекфильм”, “Ўзбектелефильм”да яратилган барча фарзандларга у киши режиссёрлик қилар эдилар. Кейин рус тили ва адабиётни фанидан сабок бергувчи Ирина Умирова исмли муаллимам ҳам менга кўпгина яхши нарсаларни ўргатган. Санъаталифбосини ўрганишимда ўша киши катта ёрдам берган. Мактаб саҳнасида кўйиладиган барча томошаларга у киши режиссёрлик қилади. Отларнинг дупури, калиш, этик ёки туғлида юрганда чиқадиган овозларни жойжига кўйиб чиқамиз. Мана шу касбим орқали ҳам анча-мунча эътибор қозонганман. Бизни бошқа студияларга ҳам таклиф қилишади, фильмлардаги овозларни тиклаш берамиз. Ҳар бир одамга барибир уч-туртта ҳунар керак. Ҳалқимиз ҳунарли хор бўлмайди, деб бежиз айтмас экан-да. Шунинг учун ота-оналар “боламга янги кийим олиб бердим, ўглимга велосипед совиа қилдим” деб мақтамасдан, “фарзандимни фалончи устага шогирдликка бердим, қизим фалон тикувчидан ҳунар ўрганяпти” деб кўкрак керив юришларини истардим.

— Баъзилар шон-шуҳратиз, баъзилар бойликсиз, яна кимлардир нималардирсиз яшолмайман деб ўйлашиди. Сизчи, нимасиз яшашим мумкин эмас деб хисоблайсиз?

— Киносиж яшайолмасам керак. Агар кино бўлмай қолса яшашим мумкин бўлар, унда мен “мен, яъни Ражаб Адашев” бўлмай қоламан. Унда бошқа бир муҳитга кўнишишмади. Бу эса менга жуда-жуда кийин бўлади. Шунда ҳам яшаш

Маълумки, ҳар бир нашрнинг уни инициқ кутувчи ўз ўқувчиси, ихлосманди бўлади. Жумладан, “Маърифат” газетасининг ҳам муштарийлари талайгина. Бу таҳририятимизга келаётган мактублар оқимиининг кўплигида ҳам намоён. Муҳими, газетанинг номига газетхонлар томонидан битилган мактубларда уларнинг юртимизда бўлаётган ўзгаришлардан тортиб, жаҳонда юз бераётган ҳар бир воқеа-ҳодисаларга бефарқ эмасликлари бизни қувонтиради. Эътиборингизга, бир неча мактубларни ҳавола этишдан олдин баъзиларига тўхталиб ўтиши лозим топдик.

Бугун юртимиздаги ҳар бир фуқаро ўз меҳнати билан Ватан мустақиллиги-ни мустаҳкамлашга, унинг қудратини ошириш, буюк келажакка пойdevор қўйишга интилаётганлиги бежиз эмас, албатта. Зеро, Юртбошимиз таъкидланларидек, фарзандларга озод ва обод Ватан қолдириш бурч. Ана шу бурчнинг маъно-моҳиятини теран англаб, ўз меҳнати билан бу ишга ҳиссасини қўшишга интилаётган Наманган вилоятининг Янгикўргон туманида истиқомат қилувчи ихтисослашган мактаб-интернати ўқитувчиси Аҳмаджон Холматов жумладан шундай ёзади: “Мустақилликдан кейин бутун юртимиз ва Тошкент кундан-кунга чирой очиб, жаҳонга ўзини кўз-кўз қилмокда. Бу Юртбошимиз раҳнамолиги, оталарча ғамхўрлиги туфайли амалга ошаётгани хеч кимга сир эмас.

ли амалға ошаттани ҳеч кимға сир эмас. Бу ғамхүрликка жавобан мен, оилам, маҳаллам, қариндош-уругларим, қолаверса, барча туман меҳнаткашлари доимо покиза дил ва ҳалол меҳнатимиз билан жавоб беришга ошикмокдамиз”.

Албатта, мақсадға айланиб улгурған

СОБИК ЎҚУВЧИЛАР ТУҲФАСИ

Мактаб — муқаддас даргоҳ. Унда юрт эртаси камол топади. Шу боис ҳам мактабларга қаратилган эътибор Ватан тақдири, миллат келажагига қайғуриш демакдир. Бугун айни шу олий мақсад — юртнинг буюк истиқболини яратиш, давлатимиз истиқлонини мустаҳкамлаш йўлида хукуматимиз қаторида кўплаб саховатпеша инсонларнинг ҳам мактабларга эътибори кучайди. Айниқса, бундай эзгу ишларга ана шу муқаддас даргоҳда йиллар давомида таълим-тарбия олган битирувчи синф ўқувчиларининг бош бўлаётганилиги эътиборли хол.

қинда Пахтаки тумани-
и 37-ўрта мактабнинг
ойига яна чирой қўшил-
Мазкур мактабни 1982
да битириб чиққан со-
ўқувчилар томонидан
таб ҳовлисининг кира-
ишида миллий ҳашамат-
парвоза кал қўтарди.

дарвоза қад күтәрди.
Оугун мактаб ўқитувчи-
ўқувчилари, уларнинг
оналари ҳам ушбу та-
бусдан мамнунлар. Чун-
мактабларнинг кўркам-
и бир томондан ўқувчи-
ўзига тортса, иккинчи-
бундай хайрли ишнинг
ан собиқ синфдошлар
онидан амалга оширил-
лиги ҳозирда шу даргоҳ-
аҳсил олаётган ўқувчи-
учун ибрат.

— Мазкур синф ўқувчиларининг барчаси ёшлигидәйк изланувчан, ташаббускор, қалблари билимга ошуфта йигит-қизлар эдилар, — дейди мактаб ўқитувчиси Нурхон Мирзаева. — Бугунги кунда эса уларнинг мактабга қилган бундай тухфаларидан фаҳрланаман. Чунки ана шундай оқил фарзандларнинг камол топишларида менинг ҳам озгина бўлса-да, меҳнатим сингемни сингдириб боришимиз керак. Бунинг учун эса биз она тили ва

ДИ

Хоразм вилоятини шу билим даргоҳини шув кечаси ўтказилди устозлари бир пис 40 йил... Шу давр...

Биз ана шундай Фикри теран ўқувчиларнинг сафи янада кенгайишига тилак билдирамиз.

Э.ОТАМУРОДОВ
мөхнат фахрийси

Инсон умрини оқар дарёға қиёс-лашади. Дарҳақиқат, у ўз бағрига кунларни, ойларни, йилларни, у билан боғлиқ воқеаларни олиб ум-мон сари, манзил сари ошиқади. Дилда эса ўша йиллар билан боғлиқ бўлган хотиралар шукуҳи қолади. Ана шундай умргузаронликнинг энг тотлиси, болалик, ўқувчилик давридир.

Ана шу бегубор паллаларда бизни юксакликлар сари чорлаган, митти тасаввури изни бойитган муаллимлар, улар ҳақидағи хотира-лар күнглимиңда “Үқитувчилар ва мураббийлар куни” умумхалқ бай-рами боис яна бир қадар ойдин ҳолда намоён бўлди. Бизда шундай илиқ таассурот қолдирган устози-миз, мураббийимиз Бувайда тума-нидаги I-ўрта мактаб математика фани үқитувчиси Тургунали Жан-баровга мактуб йўллаб, шодиёна сабаб кўнглимдан кечган гапларни қофозга туширишга жазм этдим.

*Ассалому алаїкум устоз! Тани-
сихатингиз яхшими? Мактабни бун-
дан 15 йил аввал битирган Назираю
Санобар, Гулчехраю Руқия, Иҳтиёру
Салим, Шуҳрату Илҳомлар борми?
Хозирги ўқувчиларингиздан бизни топ-*

Бизнинг синфимизга раҳбарликни олганингиздан кейин мактабнинг эн намунали синфиға айландик. Аввало, сиз билан биз ўқувчиларнинг ўртасида ҳеч қандай тұсиқ жүйк әди. Синфга оид ҳар қандай муаммони бирга ҳал қылардик. Мактабда, тумандың ўтка-зиладиган тағдирларда бизнинг синфимиз энг фаол әди. Болаларни дарс-жазықтырудың үшін өз үшін қам бүз-

ламаганларни койымасдингиз. Фақат-
гина “Математика шунчаки сонни
сонга құшиш-айириш деб бепарво
қараманғ, аслида ҳаётдаги аниқ
ұлчовни олишда айнан математик
хисоб-китоб асқотади”, дердингиз.

СІЗНИ ЁДГА СОЛАР ЎПІЛДАРДЫНДЫЗ...

дү. Хамма дарсингизга ошукарди

... Ўқувчиларингиз ичида биргина мен математика илмига у қадар хушламасдан қарадим. Дунё ҳақидағи ҳали төр тасаввурларимни құшув айирув амаллари әмас, сұз сөхри, байдыятта қизиқиши банд этган әди. Гарчанд, математика фанини яхши ўзлаштирумаган бұлсам-да, сиздан ҳаёт дарсини ўзлаштирудим. Бу сабактар умримнинг ҳар дамида менге аскотади. Шундай пайтларда сизни күп эслайман, үстоз!

га құшилиб кетардингиз. Сценарийлар ёзіб, сақна күринишлари тайёрласак, сиз ҳам биз билан роль ижредіңдердіңгиз. Намунали дарсларни текширишга кирғанлар бу синфда ким фаолу ким қолоқ билолмасдилар. Болиси, ҳамма ўқувчилар сизнинг дарснингизни яхши ўзлаштиришга интиларди. Синфдаги ҳар бир боланинг феъл-атвори, оиласвий ақволи, дарсларни қандай ўзлаштираётгандығыдан хабардор әдінгиз. Сизнинг фанингизни ўзлаштиrolмаганларни, дарс тайёр-

күллаган экансиз. Чунки ҳозирги замонавий ўқитиши усулларига биноан ўқитувчи билан таълим оловчи ўртасида ҳеч қандай тұсық бұлмаслиги, ўқувчиларни күпроқ мустақил ишлашга, муттасил фикрлашға ундаш сизнің фаолиятингизда мужассам әді. Болалар билан ишлаши яхши күрардингиз.

Шунга ҳам үн беш ылдан ортиқ вақт бұлды. Қанча сувлар оқиб кетди. Олий ұқув юртини битирдим. Үзим орзу қылған журналистка со-

Istoty z domu

ҳасини әгаладым. Бугун сиз сингари толиби илмларга устозлик қилаётірман. Ҳар гал талабалар олдига кира-ётғанимда, албатта, хаёлимдан ўтасиз. Дарс ўтиши усулингиз, сұзларни ишлатишшінгизни әслайман.

Биз, олдинги ўқувчиларин гизниң фарзандлари эдик. Энди бизниң фарзандларимизга таълим-тарбия берәёттисиз. Күплаб шогирдларин гиз бор. Уларниң бир қанчаси ҳозир сиз билан ажадаш.

Мактабни битираётганимизда “Мен құлымда ўқыған ҳар бир ўқув-чини әслайман. Тақдирі билан қизи-қаман. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам мени ёдга олавермаса керак”, деган-дингиз. Синфдош дұстларни, дүгона-ларни күрганды, сизни әсласак, мен ҳақимда сұрашингизни, оилам, фар-зандларимни суриштиришиңгизни ёки газеталарда номимни күрсангиз, су-юнишингизни айтшаади. Ноқулаң

**Назира ҚУРБОН қызы,
журналист”**

